

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 РАҚАМЛИ ИЛМий  
КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ  
ХАВФСИЗЛИГИ ИНСТИТУТИ**

**ҚУРБОНОВ ҲАЁТ УКТАМОВИЧ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ПОРЕЙ ПИЁЗИ  
(*Allium porrum* L.) ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА  
ЭКИШ СХЕМАСИНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.06–Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Қурбонов Хаёт Уктамович**

Самарқанд вилояти шароитида порей пиёзи (*Allium porrum L.*) ҳосилдорлигига  
экиш муддатлари ва экиш схемасининг таъсири..... 3

**Қурбонов Хаёт Уктамович**

Влияние сроков и схемы посадки на урожайность лука- порея (*Allium porrum L.*)  
в условиях Самаркандской области..... 19

**Kurbonov Khayot Uktamovich**

Effect of planting dates and planting scheme on yield of leek  
(*Allium porrum L.*) in Samarkand region ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ  
ХАВФСИЗЛИГИ ИНСТИТУТИ**

**Қурбонов Ҳаёт Уктамович**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ПОРЕЙ ПИЁЗИ  
(*Allium porrum* L.) ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА  
ЭКИШ СХЕМАСИНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.06–Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Qx1260 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетидида бажарилган.  
Диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Нормуродов Давлат Сойибназарович  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Адиллов Махсуд Мирваситович  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Мирзасолиев Мирзаосим Мирзасойипович,  
кишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD), катта илмий ходими.

**Ётақчи ташкилот:** Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот  
институтини

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 25 феврал соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, Анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (552090-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси, Тел.:(+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил 13 феврал кунини тарқатилди.  
(2024 йил 18 декабрдаги 54-рақамли реестр баённомаси).



*Handwritten signature of Sh. I. Asatov*

**Ш.И. Асатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

*Handwritten signature of M. Z. Holmurotov*

**М.З. Холмуротов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

*Handwritten signature of S. A. Yunusov*

**С.А. Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Порей пиёзи бой биокимёвий таркибга эга бўлганлиги учун сабзавот ва доривор экин сифатида ҳамда қайта ишлашга хом ашё сифатида етиштирилади. Дунё бўйича етиштирилаётган порей пиёзининг 97,0 %и Осиё ва Европа мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Йилига жами 126,0 минг га майдонга экилиб, 2,2 млн. тонна ялпи ҳосил етиштирилади. Порей пиёзи асосан “Индонезия (639,0 минг. т), Туркия (226,0 минг. т), Бельгия (180,0 минг. т), Франция (168,0 минг. т), Хитой (150,0 минг. т), Жанубий Кореяда (149,0 минг. т) ишлаб чиқарилади. Энг юқори ҳосилдорлик (38,5-46,2 т/га) Жанубий Корея, Германия, Хитой, Швеция, Бельгия давлатларида олинади, ўртача ҳосилдорлик эса 16,9 т/га ни ташкил этади”<sup>1</sup>. Лекин, мамлакатимизда жуда кам майдонларда экилади. Шунининг оқибатида олган ҳолда республикамиз кам тарқалган ушбу сабзавот турини ҳосилдорлиги юқори, сифатли ва таркиби қимматли моддаларга бой бўлган навларини яратиш ва интродукция қилиш, етиштириш технологиялари ишлаб чиқиш заруриятлари туғилмоқда.

Жаҳонда порей пиёзини етиштириш технологияларини такомиллаштириш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Порей пиёзини очик ва ёпик майдонларда уруғидан ҳамда кўчатидан етиштириш, экиш чуқурлиги, ўғитлаш, суғориш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шундай бўлсада, порей пиёзини нав ва дурагайларини етиштиришнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш, экиш муддати ва экиш схемасининг ҳосилдорликка таъсири, сохта поя биокимёвий таркиби ҳамда сифатини ошириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган.

Республикамизда пиёзбош сабзавот экинларини етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш, ҳосилдор навлар яратиш, ҳосилини қайта ишлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Лекин, порей пиёзининг нав ва дурагайларини интродукция қилиш, мақбул экиш муддати ва мақбул экиш схемасини белгилаш борасида етарлича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш ҳамда соҳанинг йиллик ўсиш суръатини 5 фоизга етказиш, айниқса 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражасини мевасабзавот бўйича 28 фоизга етказиш”<sup>2</sup> га алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, экспортбоп сабзавот экинларидан бўлган порей пиёзининг етиштиришдаги муҳим элементлари, шунингдек нав ва дурагайларни танлаш, мақбул экиш муддатини аниқлаш, мақбул экиш схемасини белгилаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

<sup>1</sup><http://www.fao.org/faostat/en/#data/QC>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидан “2022-2026 йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони

Мазкур диссертация доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 октябрдаги ПҚ-3978-сон “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармон ва қарорлари ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан асослашда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Порей пиёзи дунёнинг кўплаб мамлакатларида етиштириб келинади, шу сабабли ушбу экин турини турли тупроқ-иқлим шароитларида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича хорижий мамлакатларда Haller, K. Linnaeus, K. Ledeburg, E. Regel; МДХ давлаатларда А.М.Иксанова, А.Ф.Агафанов, Д.А.Федоров, А.В.Любченко, И.И.Збруева, О.В.Синкевич, Ю.И.Солдатов, И.В.Медведев, В.И.Машанов, А.А.Покровский, Т.Биггс, Г.С.Осипова, Н.Ф.Михайлова, А. республикамизда Ш.К.Такаева, И.Д.Кароматов ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Муаллифлар томонидан турли интродукция шароитларида порей пиёзининг биологияси ва сув режими, етиштириш учун мақбул экиш схемалари, экиш муддатлари ҳамда ўсимликларнинг жойлашиш қалинлигининг, кўчатидан етиштириш, уруғидан етиштириш ва асосий майдонда ўситликнинг парваришlash технологияларининг илмий тамойиллари ва бошқалар бўйича тавсиялар берилган бўлсада, бироқ бизда кам тарқалган сабзавот экини порей пиёзини ҳамда етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган.

Бугунги кунда сабзавотчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унинг ассортиментини кенгайтириш орқали аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соғлом овқатланиш портфелини яратиш бўйича қатор илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан ушбу диссертация тадқиқотига порей пиёзини асосий сабзавот экини сифатида етиштиришга яроқли нав ва дурагайларини танлаш, мақбул экиш муддати, схемалари ҳамда унинг биокимёвий таркибини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, порей пиёзини морфологик, биологик ва хўжалик хусусиятлари, етиштириш технологиялари республикамиз шароитида тўлиқ ўрганилмаган, ушбу тадқиқот масалаларни ҳал этишда юзага келаётган қатор муаммоли

масалаларни ечишга имкон беради.

**Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Самарқанд давлат университети Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институтининг №SAgro-02 – рақамли “Турли тупроқ-иқлим шароитларида мева-узум ва сабзавот экинлари етиштириш технологиясини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган (2021-2023 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади:** Порей пиёзининг дурагайларини асосий экинда етиштириш технологиясининг самарали айрим элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти ўтлоқи бўз тупроқ-иқлим шароитида порей пиёзидан юқори ҳосил олиш учун мақбул экиш муддатларини аниқлаш;

порей пиёзидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун мақбул экиш схемалари ва озиқланиш майдонларини аниқлаш;

экиш муддати ва схемаларининг порей пиёзининг ривожланиш даврларининг давомийлигига таъсирини аниқлаш;

экиш муддати ва схемаларининг порей пиёзининг илдиз тизими, сохта пояси ва баргларининг шаклланиши, ўсиши, ривожланиши ҳамда фотосинтетик фаолиятига таъсирини аниқлаш;

асосий экин сифатида порей пиёзи дурагайлари мақбул экиш муддати ҳамда қулай экиш схемасида парваришланишнинг маҳсулдорлик ва сохта поя ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

асосий экин сифатида порей пиёзини ўстиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ва тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари, порей пиёзинининг 2 та Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари уруғлари, ўсимликлари, поялари, барглари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида порей пиёзининг асосий экин сифатида Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари турли экиш муддатлари, схемалари, ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлигига таъсири кабилар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқотлар В.Ф.Беликнинг “Методика полевого опыта в овощеводстве и бахчеводстве” (1992) ва “Методика физиологических и биохимических исследований в овощеводстве и бахчеводстве” (1987), Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимовларнинг “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси” (2002) услубий қўлланмалари асосида, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985) Microsoft Excel дастури ёрдамида кўрсатган дисперсион услуб асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор порей пиёзининг 2 та Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқ-иқлим шароитида экиб ўстириш мумкинлиги аниқланган;

порей пиёзидан юқори (36,9-40 т/га) ҳосил олиш учун кўчатларини 5 апрелда экиш энг мақбул муддат эканлиги аниқланган;

порей пиёзидан юқори ва сифатли сохта поя (44,6-50,1 т/га) ва барг ҳосили (15,8-17,9 т/га) олиш учун 60x5 см, 70x5 см экиш схемаси ҳамда 0,03-0,035 м<sup>2</sup> озикланиш майдони энг мақбул эканлиги илмий асосланган;

мақбул экиш муддати ва қулай экиш схемасида порей пиёзининг илдиз вази 6,6-8,6 г, барглар сони 0,7-0,8 дона, барг сатҳи 788,3-834,3 см<sup>2</sup>, фотосинтетик фаолияти 1034896,5-818683,6 га юқори бўлиши исботланган;

порей пиёзи дурагайларини мақбул экиш муддати (05.04) ва схемалари (60x5 см, 70x5 см) га боғлиқ ҳолда Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларидан кўшимча сохта поя ва барг ҳосили етиштириш илмий асосланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Самарқанд вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари асосий экин сифатида турли экиш муддатларида кўчатидан экиб етиштирилганда мақбул экиш муддати (05.04) аниқланган;

порей пиёзи Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларни мақбул экиш муддатлари ва қулай экиш схемаларида ўстирилганда сохта поянинг техник етилиши (103-105 кун; 116-118 кун) ҳамда ҳосилни йиғиш муддатини (108-110 кун; 121-122 кун) тезлашиши кузатилган;

порей пиёзи кўчатлари асосий экинда 60x5 см ва 70x5 см экиш схемаларида экиб ўстирилганда Линкольн F<sub>1</sub> дурагайида 60,4-55,7 т/га, Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида 68,0-64,1 т/га энг юқори ҳосилдорликка эришилган;

порей пиёзи Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларни асосий экин сифатида мақбул экиш муддати (05.04)да кўчатидан етиштириш гектаридан 26,6-29,7 млн сўмгача соф фойда, 106,5-110,2% рентабеллик даражасини таъминлаган;

порей пиёзи Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларни асосий экин сифатида мақбул экиш схемаларида (60x5, 70x5) см ўстириш ҳисобига гектаридан 53,8-47,9; 64,3-59,5 млн сўмгача соф фойда олиниб, 174,9,1-159,4; 208,3-197,2% рентабеллик даражасига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория ва дала тажрибалари мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларини халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида порей пиёз дурагайларининг ўсиши, ривожланиши, сохта поя, барг, илдиз каби вегетатив

органларининг шаклланиши, ҳосилдорлиги, ҳосил сифати аниқланиб, экиш муддатлари, экиш схемаларини порей пиёзи биометрик ва морфологик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ўртасидаги корреляция коэффициенти ( $r$ ) аниқланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эскидан суғориладиган ўртача ўтлоқи бўз тупроқлар шароитидаги фермер хўжаликларида асосий экин сифатида порей пиёзи Линкольн  $F_1$  ва Болгарский  $F_1$  каби дурагайларни етиштириш технологиясида мақбул экиш муддати (5 апрел), экиш схемалари (60x5, 70x5 см) аниқланганлиги, етиштириш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилганлиги ва жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида порей пиёзи дурагайларини асосий экинда турли экиш муддати ва схемаларида ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

сабзаётчиликка ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун “Самарқанд вилояти шароитида порей пиёзини ўстириш технологияси” номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 августдаги 05/06-04-391 сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларида порей пиёзидан юқори ҳосил олишда амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

порей пиёзининг Линкольн  $F_1$  ва Болгарский  $F_1$  дурагайларини кўчатидан мақбул экиш муддати (05.04) ва экиш схемаси (60x5 см, 70x5 см) да етиштириш технологияси Самарқанд вилояти Жомбой тумани “Бешбола Агро Вег” МЧЖ да 6,4 гектар, “Достон Агро Вег” фермер хўжалигида 2,5 гектар, “Воҳидов Карим ерлари” фермер хўжалигида 0,65 гектар, Оқдарё туманида Ахборот маслаҳат маркази далаларида 1,1 гектар, “Кумушкент хумо қуши” фермер хўжалигида 1,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 августдаги 05/06-04-391 сонли маълумотномаси). Натижада гектаридан 55,7-64,1 тонна ҳосил, 47,9-59,5 млн сўм соф фойда олинди 159,4-197,2% рентабеллик даражасига эришилган;

порей пиёзини кўчатидан мақбул экиш муддати (05.04) ва экиш схемаси (60x5 см, 70x5 см) да етиштириш технологияси Самарқанд вилояти Булунғур тумани “Булунғур Уяс Жабборов” фермер хўжалигида 1,5 гектар, “Истиклол зиёси” фермер хўжалигида 8,9 гектар, “Туроб Элдорбек даласи” фермер хўжалигида 2,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 августдаги 05/06-04-391 сонли маълумотномаси). Натижада гектаридан 60,4-68,0 тонна ҳосил, 53,8-64,3 млн сўм соф фойда олинди 174,9-208,3 % рентабеллик даражасига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишларини апробациядан ўтказиш комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар университет илмий кенгашида, тадқиқот натижалари эса 5 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, республика анжуман нашрларида 2 та, ҳалқаро анжуман нашрларида 3 та мақола чоп этилган ҳамда 1 та тавсиянома нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва усуллари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва натижаларнинг ишончлилиги илмий асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши ҳамда апробацияси, эълон қилинган ишлар, диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Порей пиёзини (*Allium porrum* L.) турли экиш муддати ва схемаларида етиштириш технологияларига оид маҳаллий ҳамда хорижий илмий манбалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича порей пиёзининг келиб чиқиши, тарқалиши, нав ва дурагайларнинг биологик хусусиятлари, ташқи муҳит омилларига бўлган муносабати ҳамда ҳар хил экиш муддатлари ва экиш схемаларида етиштириш технологиясига оид нашр қилинган хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлар шарҳи батафсил таҳлил қилинган. Илмий адабиётлар таҳлили доирасида хулоса қилиниб, порей пиёзининг районлаштирилган ҳамда истиқболли дурагайларини Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлигини экиш муддатлари ҳамда экиш схемаларининг боғлиқлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим эканлиги берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услуби”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг географик жойлашуви, тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот услублари, тажрибада ўрганилган порей пиёзи дурагайларининг тавсифи ҳамда ўтказилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Дала тажрибалари 2021-2023 йилларда Самарқанд вилояти Оқдарё туманида жойлашган СамАТИ Ахборот маслаҳат марказининг ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида экиш муддатлари бўйича 8 та вариантда, уч ярусда, тўрт қайтариқда, шунингдек экиш схемалари бўйича 12 та вариантда уч ярусда, тўрт қайтариқда олиб борилган. Бунда порей пиёзининг 2 та Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил

сифатига турли экиш муддатлари (5.04, 15.04, 25.04, 5.05) ҳамда экиш схемаларининг (60x5 см, 60x10 см, 60x15 см, 70x5 см, 70x10 см, 70x15см) таъсири ўрганилган. Тажриба даласи тупроқлари ўтлоқи аллювиал тупроқлар бўлиб, ҳайдалма қатламда (0-30 см) гумус миқдори ўртача 1,20 %, ялпи азот 0,080 %, фосфор 0,11-0,13 %, калий 1,76-1,03 %, ҳаракатчан фосфор 15,0 мг/кг, калий эса 189,0 мг/кг ни ташкил этган. Тажрибада тупроқнинг агрокимёвий таҳлилида гумус миқдори Тюрин, умумий азот, фосфор ва калий Мальцев-Гриценко бўйича, N-NO<sub>3</sub>(мг/кг) Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчан калий П.В.Протасов усулида аниқланган.

Тажрибалар ўтказилган йилларда асосан июн, июл ва август ойларида энг иссиқ ҳаво ҳарорати кузатилиб, ўртача +24,3; +26,5 °С ни, ҳароратнинг пасайиб кетиши эса январ, декабр ойларида қайд этилиб, ҳаво ҳарорати +3,0; + 7,5 °С ни ташкил этган. Ёғингарчилик миқдори 2021 йилда 172,9 мм, 2022 йилда 472,5 мм, 2023 йилда эса 429,7 мм ни ташкил этиб, энг кўп ёғингарчилик март- апрел (22,3-143,3 мм) ва ноябр декабр (20,2-94,6 мм) ойларида қайд этилган.

Диссертациянинг **“Порей пиёзини асосий экин сифатида етиштирилганда мақбул экиш муддатлари аниқлаш”** деб номланган учинчи бобида порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари Самарқанд вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида асосий экинда турли муддатларда кўчатидан экиб етиштирилганда кўчатларнинг тутувчанлиги, ўсиш-ривожланиш фазаларнинг давомийлиги, илдиз тизимининг шаклланиши, фотосинтетик фаолияти, ҳосил элементларининг шаклланиши, маҳсулдорлик ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари тўлиқ баён этилган. Тажрибада порей пиёзининг дурагайлари уруғлари кўчат етиштириш мақсадида кўчатхонага сепилганда Линкольн F<sub>1</sub> дурагайида уруғларнинг униб чиқиши 87,3% ни, Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида 90,6% ни ташкил этган. Етиштирилган кўчатлардан стандарт кўчат чиқиши Линкольн F<sub>1</sub> дурагайида 88,3% ни, Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида 92,3% ни ташкил этган.Тажрибаларда порей пиёзи дурагайлариининг 45-50 кунлик 3-4 та баргли кўчатлари асосий экин сифатида 5.04., 15.04., 25.04, 5.05 саналарида экилган.

Линкольн F<sub>1</sub> дурагайида кўчатларнинг тўлиқ тутиб кетиши 5.04 ва 15.04 экиш муддатида 3 кунда, 25.04 (н-т) ҳамда 5.05 экиш муддатида 4-5 кунда қайд этилган. Шунингдек Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида эса мос равишда 4; 4-5 кунда кузатилган. Тажрибаларда порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> дурагайи кўчатлари 05.04 ва 15.04 да экилганда сохта поянинг тўлиқ шаклланиши 44-45 кун, 25.04 (н-т) да экилганда 48-49 кун, 5.05 да экилганда эса 49-51 кунни ташкил этган. Шунингдек сохта поя тўлиқ шаклланиши Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида экиш муддатларига мос равишда 46-48; 49-50; 51-52 ва 54-55 кунни ташкил этган. Тажриба натижаларига кўра экиш муддатларининг кечикиши сохта поя шаклланишини 6-7 кунга узайишига олиб келган.

Тажриба йилларида порей пиёзининг Линколин F<sub>1</sub> дурагайи кўчатидан 5.04 да экилганда сохта поянинг техник етилиши 116-118 кун, 15.04 да экилганда 112-114 кун, 25.04 да экилган 108-109 кун, 5.05 да экилганда 106-108 кунни ташкил этган. Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида эса экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 127-128; 124-128; 122-123 ва 119-120 кунни ташкил этди. Линколин F<sub>1</sub> дурагайида ҳосилни йиғиш олдидан бир гектардаги сақланиб қолган

Ўсимликлар сонини экиш муддатлари бўйича таҳлил қилинганда, яъни 5.04да кўчатлар экилганда 138,3-141,5 минг дона, 15.04да экилганда 132,6-141,2 минг дона, 25.04да экилганда 124,9-139,4 минг дона, 5.05да экилганда эса 124,6-134,6 минг дона порей пиёзи кўчатлари сақланиб қолганлиги аниқланган. Шунингдек бу кўрсаткич Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида йиллар бўйича мос равишда 138,1-141,2; 134,5-140,3; 132,9-138,7 ва 117,0-133,5 минг донани ташкил қилган.

Тажриба натижаларига кўра Линколин F<sub>1</sub> дурагайи 5.04 да кўчатидан экилганда ҳосилни йиғиштириш 121-124 кунда, 15.04да экилганда 118-120 кунда, 25.04 да экилганда 113-114 кунда, 5.05 да экилганда эса 112-113 кунда амалга оширилган. Ҳосилни йиғиштириш Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида мос равишда 132-133; 129-131; 127-128; 124-125 кунда бажарилган. Порей пиёзи дурагайлари баҳорда асосий экинда кўчатидан етиштиришда экиш муддатларини кечиктириш ҳисобига амал даврини 3-9 кунга қисқарганлиги кузатилган.

Порей пиёзи ўсимликларида барглар сонининг шаклланиши тажриба йилларида такрорликлар бўйича экиш муддатларига боғлиқ ҳолда Линколин F<sub>1</sub> дурагайи 13,2 донадан 14,3 донагача, Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида эса 14,0 донадан 15,1 донагача ортиб борган. Порей пиёзи дурагайларида ҳам энг кўп баргланган ўсимликлар (14,3-15,1 дона) 5.04 да кўчатлар экилганда қайд этилган. Энг кам барг (13,2-14,0 дона) шаклланган ўсимликлар эса кўчатлар 5.04 да далага экилганда аниқланган.Тажрибада ўрганилган Линколин F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари ўсимликларида ҳосил бўлган барглар узунлиги йиллар ва такрорликлар бўйича ўртача 69,9-78,1 см; ва 68,4-81,0 см гача, барг диаметри 3,4-4,0; ва 3,4-3,9 см гача шаклланганлиги қайд этилган. Энг узун ва катта диаметри баргларнинг шаклланиши порей пиёзи кўчатлари 5.04 да экилган ўсимликларда кузатилган.

Порей пиёзи дурагайлари турли муддатларда экиб ўстирилганда Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида энг баланд бўйли ўсимлик шаклланиши кузатилиб ўртача бир дона ўсимлик бўйи 95,8 см дан 102,5 см гача қайд этилган. Линколин F<sub>1</sub> дурагайида эса нисбатан паст бўйли ўсимликлар шаклланиб ўртача уларнинг бўйининг баладлиги 81,7-88,7 см ни ташкил қилган.


Таҳлилларга кўра Линкольн F<sub>1</sub> дурагайида сохта поя узунлиги йиллар мобайнида экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 15,8 см дан 18,0 см гача, Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида 25,0 см дан 26,9 см гача ортиб борган. Шунингдек, энг узун ўлчамдаги сохта поянинг (18,0 26,9 см) шаклланиши 5.04 да, энг калта (15,8-25,0 см) ўлчамдаги сохта поя шаклланиши 5.05 да кўчатлар очик далага экилганда намоён бўлган.

Тажрибаларнинг кўрсатишича экиш муддатлари кечикиши порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари ўсимликларда сохта поя диаметрини ингичкалашишига олиб келган. Яъни 5.04 да кўчатлар экилганда сохта поя диаметри 4,1-4,4 см, 15.04 да экилганда 3,8-4,0 см, 25.04 (назорат вариант)да экилганда 3,7- 4,1 см, 5.05 да экилганда 3,7- 4,0 см дан иборат бўлган.

Асосий экин сифатида порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари турли экиш муддати етиштирилганда бир туп ўсимлик вази 277,8

г дан 413,4 г гача ортиб борган. Экиш муддатлари бўйича энг оғир вазнли ўсимликлар 5.04 да кўчатлар экилганда олиниб 392,0-413,4 г, нисбатан оғир вазнли ўсимликлар 15.04 да экилганда қайд этилиб уртача 350,8-375,7 г ни ташкил этган. Назорат (25.04) вариантда эса ўртача бир туп ўсимлик вазни 320,3-343,7 г дан иборат бўлган. Порей пиёзи кўчатлари 5.04 да экилганда эса энг кичик вазнли ўсимликлар шакилланиб ўртача бир туп ўсимлик вазни 277,8-305,8 г дан иборат бўлган.

Порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари ўсимликларда сохта поя шаклланишига кўчатларни экиш муддати сезиларли даражада таъсир этиб, Линкольн F<sub>1</sub> 5.04 да экилганда 196,4-207,9 г, 15.04 да экилганда 176,4-187,5 г, 25.04 назорат экиш муддатида экилганда 152,5-165,4 г, 5.05 экиш муддатида экилганда эса 127,9-136,2 г ни ташкил этган.



1-расм. Порей пиёзи дурагайларида экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўртача бир туп ўсимлик вазнининг ўзгариши (2021-2023 йй.).

Шунингдек, ўрганилган дурагайларда бир туп ўсимликлардаги барглари вазнининг шаклланиши тегишлича 145,4-151,1 г; 130,1-140,0 г; 124,2-132,5 г ва 110,1-128,3 г ни ташкил этган.


Ўрганилган порей пиёзи Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларининг ўсув даврида тупроқ ҳайдов (0-30 см) қатламида бир туп ўсимликда (2021-2023 йй) энг кўп вазнли яъни, 50,2-54,4 г илдиз тизими 5-апрелда экилган вариантда шаклланган ва назорат вариантга нисбатан 6,6-8,6 г га юқори бўлган. Энг кичик илдиз вазни шаклланиши 5.05 экиш муддатида кузатилиб, ўртача 39,8-41,3 г ни ташкил этиган.

Шунингдек, ўртача бир туп ўсимликда сохта поя улиши экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 44,5-50,1 % ни ташкил этган. Порей пиёзининг бир туп ўсимлигида сохта поя улуши экиш муддатлари кечиккан сайин қисқариб (5.04 да 50,0-50,1 %, 15.04 да 49,7-49,9 %, 25.04 да 47,6-48,1 %, 5.05 да 44,5-46,0 %) борганлиги кўзатишга.

Ўрганилган порей пиёзи дурагайларининг биокимёвий таркиби яъни, ундаги куруқ модда, С витамин, нитратлар миқдори экиш муддатларига боғлиқ ҳолда қисман узгарганлиги аниқланган. Порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> дурагай

Ўсимликлари таркибидаги қуруқ модда миқдори сохта пояда 12,79% дан 13,68% гача, баргда 9,10% дан 9,71% гача тебранган. Шунингдек, С витамининг миқдори эса сохта пояда 19,57-20,76 мг/%, баргда 12,42-12,71 мг/% дан иборат бўлган. Ушбу дурагай ўсимликларида нитратларнинг сақланиши сохта пояда 398,0-422,0 мг/кг, баргда 462,0-487,0 мг/кг ни ташкил этган.

Порей пиёзининг Болгарский F<sub>1</sub> дурагай ўсимликларининг ҳам биокимёвий таркиб ўрганилганда қуруқ модда миқдори сохта пояда 14,71-15,22 %, баргда 11,01-11,34%, С витамин миқдори эса сохта пояда 22,02-22,42 мг/%, баргда 16,43-16,81 мг/% дан иборат бўлган. Порей пиёзи Болгарский F<sub>1</sub> дурагайи ўсимликларида нитратлар миқдори сохта пояда 378-389 мг/кг, баргда 396-405 мг/кг ни ташкил қилган.



2-расм. Порей пиёзи дурагайларини турли экиш муддатларда етиштирилганда ҳосилдорлик кўрсаткичлари(2021-2023 йй.)

Тажриба ўтказилган йилларда порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> дурагай сохта поя ҳосилдорлиги экиш муддатлари бўйича ўртача 21,3-25,7 т/га, барг ҳосилдорлиги 6,8-11,2 т/га, умумий ҳосил 28,1-36,9 т/га ни ташкил этган. Линкольн F<sub>1</sub> дурагайи кўчатлари 5.04 да экилганда сохта поя ҳосили ўртача 25,7 т/га, барг ҳосили ўртача 11,2 т/га, умумий ҳосил 36,9 т/га, кўчатлар 15.04 да экилганда 24,8 т/га сохта поя ҳосили, 9,1 т/га барг ҳосили, 33,9 т/га умумий ҳосил олинган. Экиш муддатлари бўйича назорат 25.04 вариантда экиб етиштирилганда сохта поя ҳосили 23,1 т/га, барг ҳосили 8,7 т/га, умумий ҳосил 31,8 т/га ни ташкил қилган. Энг кам ҳосилдорлик кўчатлар 5.04 да экилган вариантда 21,3 т/га сохта поя, 6,8 т/га барг, ёки 28,1 т/га умумий ҳосил олинган.

Порей пиёзининг Болгарский F<sub>1</sub> дурагайининг умумий ҳосилдорлиги 30,6 тоннадан 40,5 тоннагача ўзгариб, вариантлар орасидаги энг катта фарқ 9,9 тоннани ташкил этди. Порей пиёзини Болгарский F<sub>1</sub> дурагайининг ҳосилдорлик кўрсаткичи экиш муддатларига боғлиқ равишда бир биридан кескин фарқланган, яъни 5.04 да кўчатлар далага экилганда 40,5 т/га, 15.04 да экилганда 36,5 т/га, 25.04 да экилганда 34,1 т/га, 5.05 да экилганда 30,6 т/га ҳосилдорликка эришилган. Порей пиёзининг дурагайлари турли экиш муддатларида кўчатидан

етиштирилганда экиш муддатларига боғлиқ ҳолда вариантлар орасидаги ҳосилдорликда фарқ Линкольн F<sub>1</sub> дурагайида 3,7-8,8 т/га, Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида 3,5-10,2 т/га ни ташкил этган.

Диссертациянинг **Экиш схемаларини порей пиёзининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш** деб номланган тўртинчи бобида порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари Самарқанд вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида турли экиш схемаларида (60x5 см, 60x15 см, 60x10 см ва 70x5 см, 70x10 см, 70x15 см) кўчатидан экиб етиштирилганда кўчатларнинг тутувчанлиги, ўсиш-ривожланиш фазаларнинг давомийлиги, ҳосил элементларининг шаклланиши, маҳсулдорлик ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари баён этилган.

Порей пиёзи дурагайлари кўчатлари тутувчанлиги 3-4 кунни ташкил этган ва экиш схемасига боғлиқлиги кузатилмаган. Шунингдек, Линкольн F<sub>1</sub> турли экиш схемаларида етиштирилганда сохта поянинг шаклланиши 43-52 кун, техник етилиши 103-118 кун, ҳосилни йиғиш 108-124 кун, Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида эса мос равишда 44-56 кун; 103-118 кун; 116-130 кун; ва 121-135 кунни ташкил этган. Порей пиёзи кўчатларни экиш схемасини қисқариши ҳисобига амал даврининг қисқариши кузатилган. Ҳосилни йиғиш олдидан сақланиб қолган ўсимликлар кўрсаткичи ҳам экиш схемасига боғлиқ ҳолда 89,5-90,9 % дан 98,2-98,4 % гача ортиб борганлиги кузатилган. Яъни, 70x15 см, 70x10 см, 60x15 см, 60x10 см схемаларда экилганда 96,4-98,4 %, 60x5 см ва 70x5 см схемаларда эса 98,5-90,9 % ўсимликлар ҳосилни йиғишгача сақланиб қолган,


Ўрганилган порей пиёзи Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайи 6 та экиш схемасида кўчатидан экиб етиштирилганда бир туп ўсимликда шаклланган барг сони ўртача 10,4-14,8 дона, барг эни 3,2-4,1 см, барг узунлиги 68,8-80,1 см ни ташкил этган. Тажрибада ўсимликларни экиш схемаси (70x15 см) яъни озикланиш майдонини кенгайтиши ҳисобига барг сони 2,6-4,4 дона, барг узунлиги 6,3-8,9 см, барг эни 0,9-1,1 см га кўп бўлганлиги аниқланган. Тадқиқот йилларида порей пиёзи Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайи 60x5 см экиш схемада ўстирилганда бир туп ўсимлик энг кам барг сони 10,4-12,8 дона, барг эни 2,9-3,2 см, барг узунлиги 68,8-71,2 см бўлганлиги аниқланган.

Порей пиёхи кўчатлари 70x5 см схемада экилганда ўртача бир туп ўсимлик вази, сохта поя вази ва барглар вазининг камайиши кўзатилиб мос равишда 312,6-343,5 г; 158,2-177,1 г; 113,9-126,2 г дан иборат бўлган. Порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари кўчатлари 60x15 см, 60x10 см ва 60x5 см схемаларда экилганда юқорида келтирилган қонуният кузатилган.

Тажриба ўтказилган 2019-2021 йилларда порей пиёзи Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари ўсимликларида энг паст бўйли ўсимликларнинг шаклланиши назорат (70x15 см) вариантда қайд этилиб, ўртача 82,4-96,8 см ни ташкил этган. Бошқа экиш схемаларида назорат вариантга нисбатан дурагайлар бўйича 1,8-3,8 см ва 1,6-7,3 см га юқори бўлганлиги қайд этилган.

Порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари кўчатлари 70x15 см схемада экилганда энг юқори кўрсаткичлар қайд этилиб, бир туп ўсимлик вази 440,2-465,0 г, сохта поя вази 187,2-196,9 г, барглар вази 193,7-206,3 г ни ташкил этган, шунингдек кўчатлар 70x10 см схемада экилганда бир туп ўсимлик

вазни 390,9-409,8 г, сохта поя вазни 178,7-190,1 г, барглар вазни 159,7-169,6 г ни ташкил этган.



3-расм. Экиш схемаларининг порей пиёзи ўсимликларида сохта поя шаклланишига таъсири (2021-2023 йй.).

Асосий экинда етиштирилган порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари ҳосилдорлиги экиш схемаларига (60x5 см, 60x10 см, 60x15 см, 70x5 см, 70x10 см, 70x15 см) боғлиқ ҳолда 25,3 т/га дан 68,0 т/га гача ортиб борган. Тажрибада нисбатан юқори ҳосил шаклланиши порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> дурагайида энг юқори ҳосилдорлик 60x5 см ва 70x5 см схемада экилганда кузатилиб, 60,4-55,7 т/га ни, нисбатан юқори ҳосилдорлик эса 60x10 ва 70x10 см схемада экилганда қайд этилиб, 38,9-34,5 т/га ни ташкил этган. Порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> дурагайи 60x15 см ва 70x15 см (н-т) экиш схемаларида кўчатидан экиб етиштирилганда энг кам ҳосилдорлик кузатилиб, 28,2-25,3 т/га ни ташкил қилган. Порей пиёзининг Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида ҳам экиш схемаларига боғлиқ ҳолда 26,4-68,0 т/га ҳосил олинган бўлиб, 60x5 см схемада экилганда 68,0 т/га, 60x10 см схемада экилганда 41,5 т/га, 60x15 см схемада экилганда 29,9 т/га, 70x5 см схемада экилганда 64,1 т/га, 70x10 см схемада экилганда 37,0 т/га, 70x15 см схемада экилганда 24,4 т/га, порей пиёзи ҳосили етиштиришга эришилган. Ушбу дурагайда ҳам энг юқори ҳосилдорлик 60x5 см ва 70x5 см схемаларда экилганда қайд этилиб тегишлича 68,0 ва 64,1 т/га ни ташкил қилган. Порей пиёзининг Болгарский F<sub>1</sub> дурагайи турли экиш схемаларида экиб ўстирилганда энг кам ҳосилдорлик 60x15 см, 70x15 см (н-т) схемада экилган вариантларда қайд этилиб ўртача 29,9-26,4 т/га дан иборат бўлган. Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари кўчатларини зичлаштириб экиш юқори ҳосилдорликни таъминлаган.

Диссертациянинг “**Порей пиёзини асосий экинда турли муддат ва схемаларида етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги**” деб номланган бешинчи бобида Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари мақбул экиш муддатлари ва мақбул экиш схемаларида парваришлаб етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил этилган.

Тажрибаларда бир гектар майдонда порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларини етиштириш экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 23745,1-26980,7 минг сўмни ташкил этган. Шунингдек бир гектар майдонда турли экиш муддатларда порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> дурагайини етиштиришга 23745,1-25010,0 минг сўм, Болгарский F<sub>1</sub> дурагайини етиштиришга эса 24001,0-26980,7 минг сўм харажат сарфланган.

Самарқанд вилояти шароитида порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларини асосий экинда 5.04 муддатида 70x15 см схемада экиб етиштириш гектаридан энг кўп юқори даромад (51660,0-56700,0 минг сўм) ва энг кўп соф фойда (26650,0-29720,0 минг сўм) олишни таъминлаган. Шунингдек асосий экин сифатида порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларини кўчатидан 5.04 муддатда экиб етиштириш ҳисобига энг юқори рентабеллик даражасига (106,5-110,2 %) эришилган.

Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларини турли экиш схемаларида етиштирилганда иктисодий кўрсаткичлари таҳлили қилинди, бунда бир гектарга қилинган харажатлар экиш схемаларига қараб 24320,1-30880,2 минг сўмни, ҳар гектаридан олинган бир центнер ҳосил таннархи 45412,1-96126,8 минг сўм, сотиш баҳоси 140,0 минг сўмни ташкил қилган. Порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> дурагайини турли экиш схемаларида асосий муддатда етиштириш натижасида бир гектар майдондан олинган умумий даромад 35420,0 минг сўмдан 84560,0 минг сўмгача ортиб борган. Порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> дурагайини 60x5 см схемада етиштирилганда бир гектардан олинадиган энг юқори даромад 84560,0 минг сўм бўлганлиги қайд этилган.

Порей пиёзининг Болгарский F<sub>1</sub> дурагайини турли экиш схемаларида етиштиришда бир гектарга 24402,4-30880,2 минг сўм сарфланган. Маҳсулот етиштиришда энг юқори таннарх ( 92433,3 сўм) назорат (70x15 см) вариантда қайд этилган. Шунингдек порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> дурагайини 60x5 см схемада кўчатидан етиштирилганда энг арзон тан нархли маҳсулот етиштирилиб, бир центнер маҳсулотнинг қиймати 45412,1 минг сўмни, умумий ҳосил қиймати 95200,0 минг сўмни ташкил этган.

Порей пиёзининг Болгарский F<sub>1</sub> дурагайини 70x5 см схемада экиб етиштирилганда ҳам энг арзон таннарх (47102,3 минг сўм) ва юқори даромад (59547,4 минг сўм) олинган. Порей пиёзининг Болгарский F<sub>1</sub> дурагайини 60x5 ва 70x5 см схемада экиб етиштириш гектаридан 64319,8-59547,4 минг сўм соф даромад ҳамда энг юқори 208,3-197,2% рентабеллик даражасини таъминлаган. Таъкидлаш жоизки порей пиёзини эртаи муддатда 5 апрелда кўчатларини 60x5 ва 70x5 см схемаларда экиб етиштириш ҳар гектар ердан мос равишда 47919,0-64319,8 минг сўм соф даромад ҳамда 159,4-208,3% рентабеллик даражасини таъминлаши қайд этилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Самарқанд вилояти шароитида порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва истиқболли Болгарский F<sub>1</sub> дурагайлари кўчатларини етиштириш мақсадида уруғлар кўчатхонага тоза сувда ивителиб экилганда уруғларнинг ёппасига (75%) униб чиқиши 15-16 кунда қайд этилди. Уруғларнинг унувчанлиги Линкольн F<sub>1</sub> дурагайида 87,3 % ни,

Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида 90,6 % ни, дурагайлараро стандарт кўчат чиқими 87,3-92,3 ни ташкил этди.

2. Порей пиёзи кўчатлари тўлиқ (75 %) тутиб кетиши экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 3-5 кунни, сохта поясининг шаклланиши 44-55 кунни, сохта поянинг техник етилиши 107-128 кунни, ҳосилни етилиши 112-133 кунни ташкил қилди. Порей пиёзи кўчатларини экиш муддати кечиккан сайин амал (ўсув) даврининг нисбатан қисқариши аниқланди.

3. Порей пиёзи ўсимликларида вегетатив органларининг шаклланиши ҳам экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгариб, барглар сони 13,2-15,1 дона, барг узунлиги 69,9-81,0 см, барг эни 3,4-4,0 см, ўсимлик бўйи 81,7-102,5 см, сохта поя узунлиги 15,8-29,9 см, сохта поя диаметри (эни) 3,7-4,4 см бўлганлиги аниқланди.

4. Порей пиёзининг маҳсулдорлик кўрсаткичларининг ортиб бориши экиш муддати билан боғлиқ экан. Кўчатлар 5.04 да экилганда энг юқори натижа қайд этилиб, бир туп ўсимлик вазни 392,0-413,4 г, сохта поя 196,4-207,9 г, барг 145,4-151,1 г ва илдиз вазни 39,8-54,4 г ни ташкил қилди.

5. Порей пиёзини ҳосилдорлик кўрсаткичлари 5.04 экиш муддатида экилганда энг юқори бўлиб, Линкольн F<sub>1</sub> дурагайида сохта поя ҳосилдорлиги 25,7 т/га, умумий ҳосилдорлик 36,9 т/га, Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида эса сохта поя ҳосилдорлиги 28,3 т/га, умумий ҳосилдорлик 40,5 т/га бўлганлиги аниқланди.

6. Порей пиёзи дурагайларида сохта поянинг ёппасига (75%) шаклланиши экиш схемаларига қараб 43-56 чи кунларда қайд этилди, лекин экиш схемаси қисқаргани сайин сохта пояни шаклланиши ва техник етилиши тезлашганлиги аниқ бўлди. Шунингдек, Линкольн F<sub>1</sub> дурагайи кўчатлари 60x5 см схемада экилганда сохта поя шаклланиши 43-44 кунда, техник етилиши 103-104 кунда, 70x5 см схемада экилганда сохта поя шаклланиши 44-45 кунда, техник етилиши 105-116 кунда, Болгарский F<sub>1</sub> дурагайида эса сохта пояни тўлиқ шаклланиши 44-45 ва 47-48 кунда, техник етилиши 116-117 ва 117-118 кунда аниқланди.

7. Асосий экин сифатида порей пиёзини Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларини экиш макбул муддати 5 апрел ҳамда схемалари 60x5, 70x5 см бўйича барг ҳосилдорлиги гектаридан 7,7-17,9 т гача, сохта поя ҳосилдорлиги 17,6-50,1 т гача ошиб борди.

8. Энг юқори 41,1-44,6 т/га; 47,1-50,1 т/га сохта поя, 14,6-15,8 т/га; 17,0-17,9 т/га барг ва 55,7-60,4 т/га; 64,1-68,0 т/га умумий ҳосилдорлик порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларини 5 апрелда 60x5, 70x5 см схемаларда кўчатларидан экилганда олинди.

9. Порей пиёзини Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларини 5 апрелда 60x5, 70x5 см схемаларда кўчатларидан экиш 47919,0-53810,0; 59547,4-64319,8 минг сўм соф даромадни ва 159,4-174,9; 197,2-208,3 % рентабелликни таъминлади.

10. Самарқанд вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида, асосий экин сифатида порей пиёзини Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларини ўстириб товарбоп, сифатли ва иқтисодий жиҳатдан арзон таннархли ҳосил етиштириш учун:

Самарқанд вилояти шароитида порей пиёзининг Линкольн F<sub>1</sub> ва Болгарский F<sub>1</sub> дурагайларини экиш;

Порей пиёзининг кўчатларни апрел ойининг биринчи ун кунлигида , 60x5 ёки 70x5 см схемада экиш тавсия этилади

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ИНСТИТУТ АГРОБИОТЕХНОЛОГИЙ И ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ  
БЕЗОПАСНОСТИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ ШАРОФА РАШИДОВА**

**КУРБАНОВ ХАЁТ УКТАМОВИЧ**

**ВЛИЯНИЕ СРОКОВ И СХЕМ ПОСАДКИ НА УРОЖАЙНОСТЬ  
ЛУКА-ПОРЕЯ (*Allium porrum* L.) В УСЛОВИЯХ  
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ**

**06.01.06 – Овощеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2025**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан под номером B2023.A.PhD/Qx1260.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).


Научный руководитель:	Нормуродов Давлат Сойибназарович, доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Адилев Махсуд Мирваситович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Мирзасолиев Мирзаосим Мирзасойипович, доктор философии по сельскохозяйственным наукам, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений


Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета по присуждению ученых степеней DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04, которое пройдет 25 февраля 2025 года в 16:00 часов (адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, д. 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-й этаж, зал заседаний).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 552090). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, д. 2. Ташкентский государственный аграрный, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 13 февраля 2025 года.  
(реестр протокола рассылки № 54 от 18 декабря 2024 года.)



  
Ш.И.Асатов  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.с.х.н,  
профессор

  
М.З.Холмуротов  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.с.х.н,  
доцент

  
С.А.Юнусов  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.с.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире лук-порей выращивается на площади 126,0 тыс. га, с общим валовым урожаем 2,1 млн тонн. Лук-порей в основном производится в “Индонезии (639,0 тыс. т), Турции (226,0 тыс. т), Бельгии (180,0 тыс. т), Франции (168,0 тыс. т), Китае (150,0 тыс. т) и Южной Корее (149,0 тыс. т). Самая высокая урожайность (38,5-46,2 т/га) получена в Южной Корее, Германии, Китае, Швеции и Бельгии, а средняя урожайность составляет 16,9 т/га.”<sup>3</sup> Однако в нашей стране лук-порей выращивается на очень ограниченных площадях. Учитывая это, возникает необходимость в создании и интродукции сортов этого малораспространённого овоща с высокой урожайностью, качественными характеристиками и богатым содержанием ценных веществ, а также в разработке технологий его выращивания.

На долю стран Азии и Европы приходится 97,0% мирового производства лука-порея. Благодаря богатому биохимическому составу лук-порей выращивают как овощную и лекарственную культуру, а также в качестве сырья для переработки. Также проводятся научные исследования по выращиванию лука-порея из семян и рассады на открытых и закрытых грунтах, изучаются вопросы глубины посадки, удобрения и полива. Тем не менее, особое внимание уделяется научным исследованиям по разработке ресурсосберегающих технологий выращивания сортов и гибридов лука-порея, влиянию сроков и схем посева на урожайность, повышению биохимического состава и качества ложного стебля.

В нашей республике проведены научно-исследовательские работы по совершенствованию агротехнологий возделывания луковичных овощных культур, созданию высокоурожайных сортов и переработке урожая. Однако недостаточно проведены научно-исследовательские работы по интродукции сортов и гибридов лука-порея, определению оптимальных сроков и схем посева. В Стратегии развития «Нового Узбекистана» на 2022–2026 годы Республики Узбекистан особое внимание уделено «интенсивному развитию сельского хозяйства на научной основе с целью увеличения доходов дехкан и фермеров как минимум в 2 раза, доведения темпов ежегодного роста отрасли до 5%, а также, к 2026 году, увеличения объемов производства продовольственной продукции до 7,4 млн тонн и повышения уровня переработки фруктов и овощей до 28%».

В связи с этим одной из актуальных задач является определение важных элементов при выращивании лука-порея, являющегося экспортоориентированной овощной культурой, это подбор сортов и гибридов, установление оптимальных сроков посадки, определение оптимальных схем посадки и внедрение их в производство.

Научные исследования, проведенные в рамках данной диссертации, в определенной степени служат научному обоснованию задач, предусмотренных

---

<sup>3</sup><http://www.fao.org/faostat/en/#data/QC>

